

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.08/2025.27.12.I.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

МУЗАФФАРОВ ФАРРУХБЕК ОДИЛЖОН ЎҒЛИ

**МЕВА-САБЗАВОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ
ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**ИҚТИСОДИЁТ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2026 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Музаффаров Фаррухбек Одилжон ўғли

Мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарнинг инновацион бошқарув
механизмларини такомиллаштириш..... 3

Музаффаров Фаррухбек Одилжон угли

Совершенствование инновационных механизмов управления предприятий по
переработке плодоовощной продукции.....27

Muzaffarov Farrukhbek Odiljon ugli

Improvement of innovative management mechanisms in fruit and vegetable
processing enterprises53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works60

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.08/2025.27.12.I.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

МУЗАФФАРОВ ФАРРУХБЕК ОДИЛЖОН ЎҒЛИ

**МЕВА-САБЗАВОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ
ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2026 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетенида B2025.4.PhD/Iqt5992 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.andqhai.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошпўлатов Дилшодбек Шермухаммедович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

Расмий оппонентлар:

Хамидова Фарида Абдулкарим қизи
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашева Нилуфар Абдувахидовна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.08/2025.27.12.I.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон тумани, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (99874) 224-02-82, e-mail: agai_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (99874) 224-02-82, e-mail: agai_info@edu.uz)

Диссертация автореферати 2026 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2026 йил “___” _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

С.Т.Искандаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Р.Д.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.ф.д., доцент

А.Т.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси
ўринбосари, и.ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида қўшилган қийматлар занжирини шакллантириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Таъминот занжирининг мутаносиб ва узлуксиз фаолияти аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан сифат ва миқдор жиҳатдан барқарор таъминлашга хизмат қилади. Мазкур жараёни самарали бошқариш маҳсулот йўқотишларини камайтириш, қўшилган қийматни ошириш ҳамда миллий ва глобал озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан бирга аҳоли бандлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг далили сифатида, “... глобал мева-сабзавотчилик бозорининг ҳажми 2024 йилда 761,56 млрд АҚШ доллари баҳоланган бўлиб, 2025–2030 йилларда ушбу бозорнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 5,1 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда”¹. Жаҳон амалиётида ушбу жараёни ривожлантириш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни кенгайтириш, инновацион технологияларни жорий этиш, логистика инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда барқарор ривожланиш тамойилларига асосланган яшил иқтисодиётни шакллантириш ҳамда инновацион ва рақамли технологияларни жорий этиш қишлоқ хўжалиги, хусусан мева-сабзавотчилик ва уни қайта ишлаш тармоқлари олдидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратиш жараёнларида самарадорликни ошириш, рақобатбардош ва юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, иқлим ўзгаришига мослашиш, маҳсулот нобудгарчилиги ва харажатларни камайтириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, органик ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини халқаро стандартлар асосида баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини, жумладан, мева-сабзавот корхоналари фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, соҳа фаолиятини бошқаришда корхоналар рақобатбардошлиги ва риск менежменти инструментларидан оптимал фойдаланиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш каби тадбирлар юзасидан кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган “...қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш

¹<https://www.databridgemarketresearch.com/reports/global-vegetables-and-fruits-market?srsId=AfmBOopqpwMwaJp1Likfjo3284MwLGLZQtyMOUIX9tb04yPtsTdKZUz>

кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш ҳамда сувсизлик ва қурғоқчиликка чидамли, ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос экинлар, мева ва узумнинг юқори ҳосилдор навларини яратиш ва ҳосилдорликни 30-35 фоизга ошириш”² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажарилиши мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятининг бошқарув механизмларини янада такомиллаштириш, соҳа фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бошқарув тизими орқали бартараф этиш асосида амалга ошириш белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14-майдаги ПФ-5718-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноат корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019-йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 23-ноябрдаги ПҚ-20-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 15-декабрдаги ПҚ-52-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2024 йил 28-июлдаги ПҚ-304-сон “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги, жумладан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш жараёнларини ривожлантиришнинг назарий асослари ҳамда уларнинг бошқарув механизмининг такомиллаштириш масалалари хорижий мамлакатларда А.Хухрин, О.Горб, С.М.Рыжкова, С.В.Дохолян, А.Д.Гасанова, М.Е.Анохина, Л.А.Брагин³ ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

³ Хухрин А.С. Методология формирования агропромышленных кластеров: трансдисциплинарный подход / А.С. Хухрин, О.И. Бундина // Национальная ассоциация ученых. 2015. – №5-4. – С. 164-167; Горб О.А., Yasnolob I.A., Protsiuk N.Y. Organizational-economic mechanism of management of food industry enterprises competitiveness. Annals of agrarian science 14 (2016) 191-195.; Рыжкова, С. М. Развитие рынка плодоовощной продукции в Российской Федерации / С. М. Рыжкова. – Москва : Издательско-торговая корпорация “Дашков и К”, 2015. – 164 с.; Дохолян С.В. Системный подход к организации и управлению производством на предприятиях в условиях рынка / С. В. Дохолян, Э. А. Дадашева // Региональные проблемы преобразования экономики. – № 1. – 2008. – С. 76–86.; Гасанова А.Д. Конкурентная стратегия как основа обеспечения развития предприятия / Гасанова А. Д. // Вопросы структуризации экономики. 2005. – № 2. – С. 188–200.; Анохина М.Е. Управление

Ўзбекистонлик олимлардан У.С.Муҳиддинова, С.Т.Искандаров, О.Т.Жўраев, О.Г.Дилмуродов, Ш.М.Муродов, С.К.Эшматов ва М.У.Ачилов⁴ каби иқтисодчи олимлар маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, тармоқни модернизация қилиш муаммолари, ишлаб чиқаришнинг қўшилган қиймат занжирида интеграциянинг аҳамияти ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш жараёнида кооперация муносабатларини ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий изланишлар олиб борганлар. Аммо мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Бу мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқарув механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғининг ривожланиши ва тармоқ корхоналарида фаолиятни ташкил этишнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш фаолиятини инновацион бошқарув хусусиятлари ва хорижий моделлардан фойдаланишни илмий тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғи ва тармоқдаги ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлиги ва рискларни бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятига мавсумийлик омили таъсирини баҳолаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини инновацион бошқарув жараёнларини кўп омилли таҳлил асосида моделлаштириш ва прогнозлаштириш;

экономическим ростом АПК: Монография. М.: Анкил, 2017.; Брагин Л.А. Экономика торгового предприятия: Торговое дело: учебник / Л.А. Брагин. М.: ИНФРА-М, 2006. 314 с..

⁴ У.С.Муҳиддинова Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўллари: дисс. ... авт. и.ф.д. – Т., 2010. – 12 б.; С.Т.Искандаров. Глобал иқлим ўзгариши шароитида сабзавотчиликни ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш: дисс. ... авт. и.ф.д. 2024 й.; О.Т.Жумаев Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мева-сабзавотчилик мажмуасида кооперацияни ривожлантириш йўллари: дисс. ... авт. и.ф.н. – Т., 2003.; О.Г.Дилмуродов Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида маҳсулот сотишнинг логистик занжирини такомиллаштириш: дисс. ... авт. и.ф.н. – Т., 2010.; Ш.М.Муродов Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш: дисс. ... авт. и.ф.н. – Т., 2020.; С.К.Эшматов Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари: дисс. ... авт. и.ф.н. – Т., 2021.; М.У.Ачилов. Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш: дисс. ... авт. и.ф.н. – Т., 2022.

мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперацияси фаолиятини инновацион бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва стратегик салоҳиятидан фойдаланиш даражасини бошқариш истиқболлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва уларни инновацион бошқарув жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув жараёнлари билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, тизимли таҳлил, таққослаш, статистик таҳлил, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил этиш, SWOT-таҳлил ва эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида табиий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий омиллар таъсирида шаклланидиган мавсумийликни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган коэффицентли ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда уни мавсумий юкламага мос бошқарув стратегияларини шакллантиришда қўллаш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш имкониятлари асосланган;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида инновацияларни бошқарув жараёнларига интеграция қилишга қаратилган уч ўлчовли инновацион бошқарув самарадорлиги модели ишлаб чиқилган ҳамда уни баҳолаш учун IEM (Innovative Efficiency of Management) интеграл индекси ва рейтинг шкаласи таклиф этилган;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун комплекс индикаторлар тизими, бошқарув самарадорлиги индекси (BSI) ва рейтинг мезонларига асосланган баҳолаш механизми ишлаб чиқилган ҳамда унинг давлат, инвесторлар ва корхоналар бошқарув амалиётида қўлланилиши илмий жиҳатдан асосланган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажми, деҳқончилик маҳсулотларининг улуши, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари сони, соҳада яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳамда қайта ишлаш корхоналарига йўналтирилган мева-сабзавотлар ҳажмига нисбатан экспорт кўрсаткичлари каби асосий таркибий омилларнинг биргаликдаги интеграл таъсирини ҳисобга олган ҳолда 2030-йилгача мева-сабзавот етиштириш ҳажмининг прогноз параметрлари илмий асосда шакллантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлиги ва унинг ривожланишига таъсир этадиган омилларни муҳимлилик даражаси бўйича белгилаб олган ҳолда Андижон вилоятидаги ресурс салоҳияти юқори бўлган 100 нафар тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровнома ўтказилган ва унинг натижалари баҳоланган;

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги “Навигул”, Асака туманидаги “Автосаноатагро” мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида

йил давомидаги ойлик хомашё қабул қилиш ҳажми ва мавсумийлик коэффициентлари ҳисобланган;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасини стратегик бошқаришни такомиллаштиришга имкон берадиган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш алгоритми асосланган;

худудларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг кўп функцияли табиатини ривожлантиришни стратегик бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бу жараёнда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, аниқ меъёрий ҳужжатлардан ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли ҳисоботларида келтирилган маълумотларига таянилганлиги, шунингдек, мавжуд бўлган бошқа амалий маълумотлар базаси ва таҳлилига асосланганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг маълумотларига мослиги ҳамда натижаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядан олинган илмий хулосалардан, ушбу йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштириш, илмий-назарий асосларини бойитиш, улардан истиқболда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш, ташкилий бошқарув структурасини шакллантириш ва мавзуга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш имкони мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини стратегик бошқаришни қўллашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, келтирилган назарий материаллардан “Менежмент”, “Стратегик менежмент”, “Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”, “Қишлоқ ҳўжалиги менежменти” фанларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида табиий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий омиллар таъсирида шаклланадиган мавсумийликни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган коэффициентли ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда уни мавсумий юкламага мос бошқарув стратегияларини шакллантиришда қўллаш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш имкониятлари Андижон вилоятидаги мева-сабзавотларни қайта ишловчи

корхоналар фаолиятига жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/04-04-867-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга қаратилган мавжуд дастурларни мослашувчан тактик тузатиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш аниқлиги 12–15 фоизга ошган;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида инновацияларни бошқарув жараёнларига интеграция қилишга қаратилган уч ўлчовли инновацион бошқарув самарадорлиги модели ишлаб чиқилган ҳамда уни баҳолаш учун IEM (Innovative Efficiency of Management) интеграл индекси ва рейтинг шкаласи таклифи Андижон вилоятидаги мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналар фаолиятига жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/04-04-867-сон маълумотномаси). Мазкур услубиётни амалиётга татбиқ этиш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш натижасида мавсумда ишлаб чиқариш қувватларидан 80-100 фоиз даражада самарали фойдаланиш имконияти яратилган;

мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун комплекс индикаторлар тизими, бошқарув самарадорлиги индекси (BSI) ва рейтинг мезонларига асосланган баҳолаш механизми ишлаб чиқилган ҳамда унинг давлат, инвесторлар ва корхоналар бошқарув амалиётида қўлланилиши таклифи Андижон вилоятидаги мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналар фаолиятига жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/04-04-867-сон маълумотномаси). Натижада мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида келгуси даврда ривожлантириш стратегиялари асосида сценарийлар ишлаб чиқиш имконияти кенгайган ҳамда амалиётда фойдаланиш мумкин бўлган қисқа муддатли давр учун тармоқнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажми, деҳқончилик маҳсулотларининг улуши, қишлоқ хўжалик корхоналари сони, соҳада яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳамда қайта ишлаш корхоналарига йўналтирилган мева-сабзавотлар ҳажмига нисбатан экспорт кўрсаткичлари каби асосий таркибий омилларнинг биргаликдаги интеграл таъсирини ҳисобга олган ҳолда 2030-йилгача мева-сабзавот етиштириш ҳажмининг прогноз параметрлари Андижон вилояти ҳокимлигининг тизим ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/04-04-867-сон маълумотномаси). Натижада мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида дастурий-мақсадли вазифалар, яъни ташкилий, иқтисодий, техник ва технологик хусусиятдаги аниқ чора-тадбирлар асосидаги бошқарув қарорлари ҳамда замонавий бошқарув моделлари ва механизмларини қўллаш самарадорлиги ортган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш эълон қилинган. Уларнинг 10 таси республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлари материаллари тўпламларида, 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда, жумладан, 1 таси хорижий, 7 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқаришнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғининг ривожланиши ва тармоқ корхоналарида фаолиятни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш фаолиятини бошқариш хусусиятлари ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бошқариш жараёнларига ёндашувлар ва хорижий моделлардан фойдаланиш йўллари ёритилган.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши агросаноат мажмуаси иқтисодиётини комплекс ривожлантириш масаласи билан бевосита боғлиқ бўлганлиги, бу эса, ўз навбатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосини ташкил этганлиги сабабли республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар устувор равишда аграр соҳада ҳам амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли таркибий ислохотлар жараёнида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ривожланиши учун дастлабки шарт-шароитларни таркиб топишига асос яратувчи мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш фаолиятини ҳудудий ташкил этиш, унинг тузилиши ва ривожланиши билан боғлиқ жиҳатлар ҳамда ҳудудий тузилмалар таркибидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари

фаолиятини самарали бошқариш ҳудудлар иқтисодиётини макроиқтисодий мувозанатда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида мавжуд бўлган субъектлар билан бир қаторда иқтисодий объектлар ҳам рақобат жараёнида иштирок этади. Биз томонимиздан ўрганилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ҳам иқтисодий объект сифатида бир вақтнинг ўзида бир қанча объектлар билан рақобатга киришади. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқариш тушунчасини тўлиқроқ тушуниш учун, аввало, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш тушунчасини кенгроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ. Назарий ва амалий нуқтаи назардан фақат битта ёндашувга устунлик бериш ўзини оқламайди. Одатда, функцияларнинг тузилмалардан устунлиги шубҳа туғдирмайди. Шу билан бирга, шуни эътиборга олиш лозимки, баъзи ҳолларда, айниқса хўжалик даражасида, бошқарув тузилмаси кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг ташкилий тузилмасига мос бўлиши талаб қилинади.

Бугунги кунда инновацияларга асосланган қишлоқ хўжалиги соҳаси жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Шу боис, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш, соҳани барқарор ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқаришда замонавий менежмент инструментларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан асосий мақсад, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришлари, самарали бошқарувни жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, инновация ва рақамлаштиришни татбиқ этиш каби стратегик мақсадларга эришиш билан таснифланади.


Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини самарали ташкил этишда бошқарувнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланган режалаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Режалаштириш жараёни орқали корхонанинг жорий фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг қисқа муддатли тактик мақсадларини белгилаш ҳамда узоқ муддатли истиқболли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш амалга оширилади. Шу жиҳатдан, режалаштириш корхонанинг барқарор фаолият юритиши ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади.

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасининг стратегик режасининг асосий вазифаси умумташкилот миқёсида ушбу соҳада самарали стратегик бошқарувни таъминлашдан иборатдир. Стратегик режа орқали корхонанинг миссияси, асосий мақсадлари ва устувор йўналишлари аниқланади, шунингдек, ташқи ва ички муҳит таҳлили асосида ривожланиш имкониятлари баҳоланади.

Шу билан бирга, стратегик режалаштириш жараёни бозор конъюнктураси, истеъмолчилар эҳтиёжлари, рақобат муҳити ва давлат сиёсати каби омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Режанинг ўзи, аввало, истеъмолчи талабларини қондиришга, корхона маҳсулотлари ёки хизматларини

сотиш учун мақбул бозор сегментларини аниқлашга ва уларда мустаҳкам ўрин эгаллашга қаратилган бўлиши зарур.

Натижада, пухта ишлаб чиқилган стратегик режа корхонанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, инвестициявий жозибadorлигини кучайтириш ҳамда узоқ муддатли истикболда барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Бундай ёндашув мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида фаолият юритаётган корхоналарнинг миллий ва халқаро бозорларда рақобатбардошлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратади (1-расм).



1-расм. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқариш усуллари ва ўзини-ўзи ташкил этиш воситалари тизими

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли таркибий ислохотлар жараёнида мева-

сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ривожланиши учун дастлабки шарт-шароитларни таркиб топишига асос яратувчи мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш фаолиятини ҳудудий ташкил этиш, унинг тузилиши ва ривожланиши билан боғлиқ жиҳатлар ҳамда ҳудудий тузилмалар таркибидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини самарали бошқариш ҳудудлар иқтисодиётини макроиқтисодий мувозанатда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантиришга йўналтирилган ҳудудий стратегик бошқарув тизимининг алоҳида элементларини ишлаб чиқиш зарурати долзарб аҳамият касб этади. Бунда, ҳудудий-тармоқ ривожланиш дастурларининг самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асоси мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини бошқаришнинг ҳудудий тизими параметрларини тизимли диагностика қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқилган тизимли диагностиканинг кўп босқичли воситаси ҳудудий мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг самарали ишлаш тизимини шакллантириш ҳақидаги дастлабки тасаввурлар, стратегик режалар ва ҳудудий-тармоқ ривожланиш дастурларини амалга ошириш, ҳудудий мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари бошқарув самарадорлигини эксперт-таҳлилий баҳолаш, агробизнес субъектларини уларнинг самарадорлик даражаси бўйича комплекс баҳолаш каби баҳолаш жиҳатларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу восита мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришнинг мавжуд дастурларини мослашувчан тактик тузатиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон берадиган прогностик тадқиқот усулларини ҳам қамраб олади.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистонда мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарнинг ривожланиш ҳолати ва уларда инновацион бошқарув жараёнларини баҳолаш”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғи таҳлили ва тармоқдаги ўзгариш тенденциялари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлиги ва рискларни бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятига мавсумийлик омили таъсирини баҳолаш амалга оширилган.

Ўзбекистон иқтисодиётида мева-сабзавотчилик тармоғининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу тармоқ озиқ-овқат саноатини хомашёга бўлган талабини қондиради. Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга экспорт қилиш натижасида мамлакатимизнинг валюта захиралари мустаҳкамланади.

Барча тоифадаги хўжаликларда кишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланган ҳолда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасининг таҳлил натижаларига кўра 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича 17172,4 минг тоннани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 118,0 фоизга ортган. Маҳсулотлар турлари кесимида таҳлил

қилинганда, мевалар 3081,2 минг тонна, резаворлар 13,9 минг тонна, узум 1792,1 минг тонна, сабзавотлар 11994,7 минг тоннани ташкил этган. (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йиллар кесимида барча тоифалардаги хўжаликларда етиштирилган мевалар ва резаворларнинг умумий ҳажми⁵ (йиллик, минг тонна)

| № | Маҳсулот тури | Йиллар | | | | | 2024 й. 2020 й. га нисбатан, % |
|---|-----------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|--------------------------------|
| | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | |
| 1 | Мевалар | 2591,1 | 2630,9 | 2789,5 | 2923,7 | 3081,2 | 118,9 |
| 2 | Цитрус ва субтропик мевалар | 208,2 | 207,6 | 197,3 | 184,3 | 185,9 | 76,4 |
| 3 | Резаворлар | 13,4 | 14,1 | 12,5 | 13,7 | 13,9 | 103,7 |
| 4 | Ёнғоқ мевалилар | 111,5 | 108,4 | 109,0 | 104,2 | 104,6 | 93,8 |
| 5 | Узум | 1606,6 | 1694,9 | 1760,4 | 1737,2 | 1792,1 | 111,5 |
| 6 | Сабзавотлар | 10020,4 | 10850,2 | 11162,8 | 11553,6 | 11994,7 | 119,7 |
| | Жами | 14551,2 | 15506,1 | 16031,5 | 16516,7 | 17172,4 | 118,0 |

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлиги ва унинг ривожланишига таъсир этадиган омилларни муҳимлилик даражаси бўйича белгилаб олиш мақсадида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги ресурс салоҳияти юқори бўлган 100 нафар тадбиркорлик субъектлари ўртасида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ривожланишига омиллар таъсири йўналишида шакллантирилган анкета сўровномаси асосида сўровнома ўтказилди.

Сўровномада иштирок этган респондентлар фикрини баҳолаш асосида бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлиги ва ривожланишига таъсир этувчи муҳим омилларнинг фаолият самарадорлигига таъсири даражаси баҳоланди. Ушбу омиллар юқорида ўтказилган таҳлиллар, соҳа ривожланишининг хусусиятлари ҳамда соҳа фаолиятига алоқадор экспертлар фикрлари асосида танлаб олинди (2-жадвал).

Анкета сўровномаси натижаларига кўра, учала вилоятдаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан танлаб олинган респондентлар соҳанинг рақобатбардошлигига қуйидаги омиллар юқори таъсир кўрсатишини қайд этган: корхоналарни ривожлантиришнинг комплекс тизими мавжудлиги (42 %), инновацияларни жорий этиш учун мақсадли молиялаштириш (44 %), инфратузилманинг етарли даражада шаклланганлиги (40 %), ахборот тизимларининг мавжудлиги ва сифати (36 %), мавжуд шароитларнинг соҳанинг ривожланишига таъсири (25 %), давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими (23 %) ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш механизмлари (18 %).

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашда мавсумийлик табиий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий омиллар билан боғлиқ мураккаб тизим бўлиб, уни тўғри баҳолаш ва бошқариш корхоналарнинг рентабеллиги, рақобатбардошлиги ҳамда узлуксиз фаолиятини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мавсумий юкламага мос бошқарув стратегиялари ва замонавий

⁵ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

технологияларни жорий этиш орқали мавсумий хатарлар камайиб, бошқарув самарадорлиги ошади.

2-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлиги ва бошқарувига омилар таъсирини баҳолаш⁶

| № | Омилар | Баҳолаш оралиги | | | | |
|----|--|-----------------|------|--------|-------|------------|
| | | Жуда паст | Паст | Ўртача | Юқори | Жуда юқори |
| 1. | Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд шароитлар | 12 | 14 | 20 | 29 | 25 |
| 2. | Худудда қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг амал қилиши | 7 | 11 | 22 | 37 | 23 |
| 3. | Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш комплекс тизимининг мавжудлиги | 6 | 10 | 18 | 24 | 42 |
| 4. | Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида рақобат муҳити (ички ва ташқи)ни шакллантириш механизмларининг амал қилиши | 15 | 17 | 29 | 21 | 18 |
| 5. | Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида инновацияларни жорий этиш йўналишидаги мақсадли молиялаштиришнинг мавжудлиги | 19 | 17 | 8 | 12 | 44 |
| 6. | Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ривожлантириш йўналишлари тўғрисида асосий маълумотларни олиш мумкин бўлган ахборот тизимларининг мавжудлиги ва уларнинг сифати | 22 | 11 | 17 | 14 | 36 |
| 7. | Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари инфратузилма тизимининг етарли даражада шаклланганлиги | 5 | 14 | 17 | 24 | 40 |

Хомашё қабул қилиш ҳажмидаги мавсумий фаркни аниқлаш учун мавсумийлик коэффиценти ҳисоблаш формуласи қўлланилиши мумкин:

$$K_m = \frac{X_m}{X_{avg}}$$

бу ерда, K_m - мавсумийлик коэффиценти;

X_m - ойлик хомашё ҳажми;

X_{avg} - йиллик ўртача хомашё ҳажми.

Услугийетга мувофиқ, коэффицент 1 дан юқори бўлса — юқори, 1 дан паст бўлса — паст мавсумийликни англатади. Бу ёндашув мавсумийликни аниқлашда асосий усуллардан бири ҳисобланади (3-жадвал). Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хомашё қабул қилиш ҳажми асосан июнь–сентябрь ойларида юқори бўлиб, корхоналар қувватлари тўлиқ юкланади. Шу сабабли, ушбу даврда режалаштириш, ишчи кучи ва сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш зарур.

⁶ Анкета сўровномаси натижалари таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида
мавсумийлик таъсирини баҳолашда хомашё қабул қилиш ҳажмининг
ойлар кесимидаги тақсимооти (тоннада) ва мавсумийлик коэффиценти⁷**

| Ойлар | Қабул қилинган хомашё (тонна) | | Мавсумийлик коэффиценти | |
|--------------------------|-------------------------------|-------------------|-------------------------|----------------------|
| | “Навигул” | “Автосаноатагро” | “Навигул” | “Автосаноатагро” |
| Январ | 120 | 500 | 0.45 | 0.50 |
| Феврал | 100 | 600 | 0.37 | 0.60 |
| Март | 130 | 900 | 0.49 | 0.90 |
| Апрел | 200 | 1200 | 0.75 | 1.20 |
| Май | 300 | 1600 | 1.12 | 1.60 |
| Июнь | 450 | 1800 | 1.69 | 1.80 |
| Июль | 500 | 1500 | 1.87 | 1.50 |
| Август | 480 | 1200 | 1.80 | 1.20 |
| Сентябр | 400 | 900 | 1.50 | 0.90 |
| Октябр | 250 | 700 | 0.94 | 0.70 |
| Ноябр | 150 | 600 | 0.56 | 0.60 |
| Декабр | 120 | 500 | 0.45 | 0.50 |
| Жами / ўртача | 3200/266,7 | 12000/1000 | 1.00 (ўртача) | 1.00 (ўртача) |

Натижада, юқори мавсум июнь–сентябрь ойларига тўғри келиб, хомашё ҳажми ўртачадан 60–100 % юқори бўлади ва консервация ҳамда музлатиш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади. Паст мавсум эса январ–март ҳамда ноябр–декабр ойларини қамраб олиб, бу даврда ишлаб чиқариш пасайиши сабабли музлатилган захиралардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини режалаштириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарни ўзига хос хусусияти – бу корхоналарга замонавий технологиялардан фойдаланиш имконини берувчи ва уларнинг глобал бозорнинг янги шароитларига мослашишини осонлаштирадиган рақамли ташаббусларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишидир. Шунга қарамай корхоналар инновацияларни ананавий бизнес жараёнига интеграция қилишнинг мураккаблиги каби кўплаб муаммоларга дуч келмоқдалар. Шундан келиб чиқиб бошқарув самарадорлигининг инновацион модели ишлаб чиқилди ҳамда 10 та корхона мисолида баҳоланди (4-жадвал).

Ушбу моделда бошқарув самарадорлигига таъсир кўрсатувчи инновациялар 3 та йўналишда баҳоланди. Натижада уч ўлчовли инновацион модел орқали инновацион бошқарув самарадорлиги аниқланди.

⁷ Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарида инновацияларни
бошқарув самарадорлигига таъсири⁸**

| Кўрсаткичлар | Навиғул | Автосаноагапро | Inter garden | “Istiqlo” МЧЖ | “Камалак” МЧЖ | Grapes and Gardens | Серфайз келажак | Боғи Фурқат ф/х | Обод турмуш ф/х | Камалак рангли боғлар МЧЖ |
|--|-------------|----------------|--------------|---------------|---------------|--------------------|-----------------|-----------------|-----------------|---------------------------|
| Инновация самарадорлиги даражаси бўйича | | | | | | | | | | |
| 1) Инновацияларни жорий этиш даражаси | 0,44 | 0,01 | 0,32 | 0,11 | 0,05 | 0,46 | 0,27 | 0,08 | 0,53 | 0,46 |
| 2) тадқиқотлар ва малака оширишга сарфланган харажатлар | 0,36 | 0,03 | 0,29 | 0,09 | 0,03 | 0,31 | 0,21 | 0,02 | 0,38 | 0,23 |
| 3) Рақамли хизматлар интеграцияси коэффициенти | 0,23 | 0,02 | 0,19 | 0,06 | 0,01 | 0,29 | 0,33 | 0,06 | 0,31 | 0,23 |
| Кўрсаткичлар ўртача қиймати | 0,27 | 0,02 | 0,26 | 0,08 | 0,03 | 0,35 | 0,27 | 0,06 | 0,40 | 0,35 |
| Инновация салоҳияти даражаси бўйича | | | | | | | | | | |
| 1) Тадқиқотларда иштирок этаётган ходимлар улуши | 0,51 | 0,05 | 0,32 | 0,24 | 0,02 | 0,59 | 0,17 | 0,19 | 0,52 | 0,46 |
| 2) Олий маълумотли ходимлар улуши | 0,37 | 0,09 | 0,39 | 0,15 | 0,10 | 0,53 | 0,37 | 0,20 | 0,49 | 0,22 |
| 3) Рақамлаштириш коэффициенти | 0,28 | 0,06 | 0,35 | 0,09 | 0,06 | 0,46 | 0,20 | 0,22 | 0,50 | 0,25 |
| Кўрсаткичлар ўртача қиймати | 0,38 | 0,07 | 0,37 | 0,16 | 0,06 | 0,52 | 0,24 | 0,15 | 0,50 | 0,31 |
| Инновацион жараёнларни молиявий қўллаб-қувватлаш даражаси | | | | | | | | | | |
| 1) Рақамли инновацияларга харажатлар коэффициенти | 0,40 | 0,07 | 0,45 | 0,27 | 0,10 | 0,51 | 0,19 | 0,20 | 0,53 | 0,41 |
| 2) инновацион маҳсулотлар улуши | 0,46 | 0,08 | 0,40 | 0,13 | 0,05 | 0,45 | 0,37 | 0,18 | 0,51 | 0,36 |
| 3) венчур молиялаштириш коэффициенти | 0,1 | 0,03 | 0,29 | 0,009 | 0,03 | 0,36 | 0,27 | 0,09 | 0,47 | 0,37 |
| Кўрсаткичлар ўртача қиймати | 0,39 | 0,06 | 0,38 | 0,16 | 0,06 | 0,44 | 0,27 | 0,15 | 0,50 | 0,38 |
| Инновацион бошқарув самарадорлиги кўрсаткичи | 0,58 | 0,09 | 0,57 | 0,24 | 0,09 | 0,76 | 0,45 | 0,22 | 0,81 | 0,60 |

Уч ўлчовли инновацион бошқарув самарадорлиги қуйидаги формула орали аниқланди:

$$IEM = \sqrt{IPL^2 + ICL^2 + FSLIP^2}$$

Бу ерда, IPL- инновация самарадорлиги даражаси;


ICL - инновация салоҳияти даражаси;

FSLIP - инновацион жараёнларни молиявий қўллаб-қувватлаш даражаси.

Бундай ёндашув турли ўлчов бирликларида ифодаланган кўрсаткичларни таққослаш ва бошқарув самарадорлиги даражасини бир вақтнинг ўзида барча учала ўлчов бўйича баҳолаш имконини беради. Бунинг натижасида мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарини инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезони ишлаб чиқилди. Унга асосан: **0,01-0,20 жуда**

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

паст, 0,21-0,40 қисман ривожланаётган, 0,41-0,55 ўрта, 0,56-0,70 яхши, 0,71-0,85 самарали, 0,86-1,00 юқори самарали деб баҳоланди (2-расм).



2-расм. Инновацион модел асосида корхоналарда бошқарув самарадорлигини даражаси.

Таҳлил қилинган корхоналар фаолиятида инновацион модел натижаларини бошқарув амалиётига жорий этиш ҳамда стратегик режалоштириш жараёнларида улардан фойдаланиш бошқарув самарадорлигининг сезиларли даражада ошишига олиб келгани аниқланди.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини моделлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини бошқариш жараёнларини кўп омилли таҳлил асосида моделлаштириш, мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперацияси фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг стратегик салоҳиятидан фойдаланиш даражасини бошқариш истиқболлари бўйича таклифлар киритилди, мавжуд муаммолар ўрганилди.

Монографик тадқиқотлар олиб борилган 10 та мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарининг 2015–2024 йиллар даври бўйича бошқарув самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тизими шакллантирилди ва таҳлил қилинди. Мазкур кўрсаткичлар молиявий барқарорлик, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, ходимлар рентабеллиги, харажатларни оптималлаштириш, маҳсулот сифатини бошқариш ҳамда

ходимларнинг мавсумийлик омили даражасини комплекс баҳолаш имконини беради (5-жадвал).

5-жадвал

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарнинг бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари(2015-2024 йиллар ўртача)

| Кўрсаткичлар | Навигул | Автосаноатро | Inter garden | “Istiqlo”МЧЖ | “Камалак”МЧЖ | “Grapes and Gardens”МЧЖ | “Серфайз келажак”ф/х | “Боғи Фуркаг”ф/х | “Обод турмуш”ф/х | “Камалак рангли боғлар”МЧЖ |
|---|---------|--------------|--------------|--------------|--------------|-------------------------|----------------------|------------------|------------------|----------------------------|
| Мутлақ ликвидлик коэффициенти | 0,2 | 0,17 | 0,38 | 0,2 | 0,16 | 0,4 | 0,3 | 0,32 | 0,4 | 0,34 |
| Асосий воситаларнинг етарлилик даражаси | 0,8 | 0,7 | 1,1 | 0,8 | 0,75 | 1,4 | 0,9 | 1,1 | 1,4 | 0,95 |
| Молиявий мустақиллик коэффициенти | 0,8 | 0,7 | 1,05 | 0,76 | 0,74 | 1,2 | 0,9 | 1,0 | 1,25 | 0,94 |
| Кадрлар қўнимсизлиги даражаси | 0,4 | 0,55 | 0,3 | 0,42 | 0,45 | 0,3 | 0,39 | 0,34 | 0,3 | 0,37 |
| Ходимлар рентабеллиги | 1,1 | 0,9 | 2,3 | 1,2 | 0,94 | 2,7 | 1,9 | 2,4 | 3,1 | 1,5 |
| Ходимларнинг мавсумийлик омили | 1,45 | 1,5 | 1,2 | 1,42 | 1,5 | 1,15 | 1,4 | 1,2 | 1,1 | 1,3 |

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизими корхона фаолиятининг иқтисодий натижадорлиги, ташкилий бошқарув даражаси, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ўзаро боғлиқ ҳолда қамраб олувчи комплекс индикаторлар асосида шакллантирилади. Ушбу индикаторлар асосида корхоналарни баҳолаш мезони ишлаб чиқилди (6-жадвал).

6-жадвал

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезони

| Рейтинг синфи | BSI оралиғи | Тавсиф |
|----------------------|----------------------|---------------------------|
| A+ (Етакчи) | $BSI \geq 1,5$ | Юқори самарали |
| A (Барқарор) | $0,5 \leq BSI < 1,5$ | Самарали бошқарув |
| B (Қониқарли) | $0 \leq BSI < 0,5$ | Ўртача, ривожланиш зарур |
| C (Муаммоли) | $-0,5 \leq BSI < 0$ | Паст самарадорлик |
| D (Инқирозли) | $BSI < -0,5$ | Туб ислохот талаб этилади |

Ушбу кўрсаткичлар асосида мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари бошқарув самарадорлиги индекси аниқланди (3-расм).


Бошқарув самарадорлиги индекси (BSI) қуйидаги асосий омиллар комбинацияси асосида шаклланган:

Ходимлар рентабеллиги (Y) - бошқарув натижасининг якуний кўрсаткичи;

Молиявий кўрсаткичлар (X1–X3) - ликвидлик, асосий воситалар етарлилиги ва молиявий мустақиллик;

Кадрлар кўнимсизлиги - бошқарув барқарорлигига салбий таъсир этувчи омил;

Мавсумийлик – қишлоқ хўжалигига хос таъсир.



3-расм. Монографик тадқиқотлар олиб борилган корхоналарда бошқарув самарадорлиги индекси.

Диаграммада горизонтал ўқ йилларни (2015–2024), вертикал ўқ BSI ни, 0 даража эса бошқарув самарадорлигининг критик чегараси сифатида олинган.

Диаграммдан шуни аниқ кўрсатадики, корхоналарни бошқарув самарадорлиги бўйича уч гуруҳга ажратиш мумкин: самарали, ўртача (барқарор ўсувчи) ва паст самарадорлик (манфий BSI).

График таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2015–2024 йилларда аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқарув самарадорлиги индекси ижобий ўсиш тенденциясига эга. Айниқса, молиявий мустақиллик, асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда кадрлар барқарорлиги юқори бўлган корхоналарда BSI сезиларли даражада ошган. “Обод турмуш” фермер хўжалиги бошқарув самарадорлигининг юқори ва барқарор модели сифатида ажралиб турибди. Шу билан бирга, айрим корхоналарда (Камалак МЧЖ, Автосаноатагро) BSI ҳануз манфий даражада қолмоқда, бу эса бошқарув механизмларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Таклиф этилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини бошқарув самарадорлиги индексини аниқлаш механизми қуйидаги устунлик томонларини алоҳида ажратиш мумкин:

- комплекс ва кўп омилли;
- статик + динамик баҳолаш;
- амалий қарорлар учун қулай;
- давлат ва инвесторлар учун мослашувчан.

